



**ISSUES OF CERTAIN PROCEDURAL ASPECTS OF
RESOLVING DISPUTES RELATED TO THE ASSIGNMENT
OF A PENSION TO A CIVIL SERVANT**

Abduganiev Abdurasul Uzakberdievich

Republic of Uzbekistan Law Enforcement Academy

"Direction of Prosecutorial Activity" 2nd year master's student

KarimkulovaBarno9@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17853250>

ARTICLE INFO

Received: 01st December 2025

Accepted: 07th December 2025

Online: 08th December 2025

KEYWORDS

*State, tasks, disputes, employee,
pension, procedural aspects,
legal, regulatory, functions of
bodies.*

ABSTRACT

In this article, the author analyzed some procedural aspects of resolving disputes related to the assignment of a pension to a civil servant.

**ВОПРОСЫ ОТДЕЛЬНЫХ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ АСПЕКТОВ
РАЗРЕШЕНИЯ СПОРОВ, СВЯЗАННЫХ С НАЗНАЧЕНИЕМ ПЕНСИИ
ГОСУДАРСТВЕННОМУ СЛУЖАЩЕМУ**

Абдуганиева Абдурасула Узокбердиевича

Республики Узбекистан Правоохранительная академия

"Направление прокурорской деятельности" слушатель магистратуры 2 курса

Karimkulovabarno9@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17853250>

ARTICLE INFO

Received: 01st December 2025

Accepted: 07th December 2025

Online: 08th December 2025

KEYWORDS

*Государство, задачи,
конфликты, служащий,
пенсия, процессуальные
аспекты, правовые,
регулирующие, функции
органов.*

ABSTRACT

В данной статье автор проанализировал некоторые процессуальные аспекты разрешения споров, связанных с назначением пенсии государственному служащему.

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИГА ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ
НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ПРОЦЕССУАЛ
ЖИҲАТЛАРИГА ДОИР МАСАЛАЛАР**

Абдуганиев Абдурасул Узокбердиевич

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

"Прокурорлик фаолияти йуналиши" 2-курс магистратура тингловчиси

Karimkulovabarno9@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17853250>



ARTICLE INFO

Received: 01st December 2025

Accepted: 07th December 2025

Online: 08th December 2025

KEYWORDS

Давлат, вазифалар, низолар, хизматчи, пенсия, процессуал жиҳатлари, ҳуқуқий, тартибга солиш, органлар функциялар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада муаллиф давлат хизматчисига пенсия тайинлаш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг айрим процессуал жиҳатларига доир масалаларни таҳлил этган.

Бизга маълумки, бугунги кунда давлат хизматчиси билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш анча мунозарали ҳисобланади. Бу эса давлат хизматига оид қонунчилик мукамал тартибга солинмагани билан изоҳлаш мумкин.

Давлат хизмати ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида кўплаб олимлар фикр билдирганлар. Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, кўпгина давлатлар қонунчилигида ва махсус адабиётларда барча учун бир хилда қабул қилинган, ягона бўлган давлат хизмати тушунчаси мавжуд эмас.

Россиялик олим Й.У.Тихомиров “давлат хизмати – бу давлат органлари ваколатларини бажариши керак бўлган хизматчиларнинг тўхтовсиз профессионал фаолияти” сифатида таъриф беради¹.

Ҳуқуқшунос олим Б.М. Лазеров “давлат хизмати – давлатга хизмат қилиш, яъни унинг талаби билан маълум бир пул мукофоти эвазига давлат органида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўладиган фаолиятдир” деб таърифлайди².

В.М. Манохиннинг фикрича, “давлат хизмати – бу давлат органларини ва бошқа ташкилотларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти эса давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилади”³.

Профессор Г.В. Атаманчук давлат хизмати хусусида “давлат хизмати – бу давлатнинг мақсадлари ва функцияларини амалга оширишда фуқароларнинг амалий ва профессионал иштироки” деб таъриф берган⁴.

Эътибор қаратадиган бўлсак, юқорида таъкидлаб ўтилган олимлар фикрларини умумлаштириб турадиган жиҳат – бу давлат хизмати давлат хизматчиларини давлат олдида турган вазифа ва функцияларни бажаришга

¹ Тихомиров Ю. А. Административное право и процесс: полный курс. М.: Наука, 2016. 406 с.

² Лазарев Б. М. Государственная служба / Б. М. Лазарев ; Акад. правовой ун-т при Ин-те государства и права РАН. – Москва : ИГПАН, 1993. – 16 с.

³ Манохин В.М. Государственная служба. Москва, 1966, с.5.

⁴ Атаманчук Г.В. Сущность государственной службы: история, теория, закон, практика. Монография. 12 – М.: Издательство РАГС, 2002 г. с 113.



қаратилган фаолият сифатида таърифланиши барча фикрларда умумий жиҳат сифатида келтириб ўтилган.

Шунингдек, юридик адабиётларда давлат хизмати тушунчасига бир неча маъноларда ёндашиш назарда тутилган. Жумладан, итимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий маънолари таъкидлаб ўтилган. Ижтимоий ва ҳуқуқий маънода давлат хизмати тушунчасига ёндашишга тўхталиб ўтсак, фикримизча мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи навбатда, давлат хизматига ижтимоий маънода ёндашувга эътибор қаратсак. Давлат хизмати ижтимоий категория бўлиб, давлат ташкилотида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс, ёки шахслар гуруҳи десак ҳам мақсадга мувофиқ бўлади, томонидан давлатнинг вазифа ва функцияларини давлат кўрсатмаларига мувофиқ ижтимоий фойдали фаолият бўлиб ҳисобланади.

Энди эътиборимизни давлат хизматига ҳуқуқий маънода ёндашувга қаратсак. Юридик адабиётларда давлат хизматига ҳуқуқий ёндашув ҳақида “давлат хизматига ҳуқуқий ёндашув, давлат-хизмат муносабатларини ўрнатиш бўлиб, бу орқали мансаб мажбуриятлари, хизматчиларнинг ваколатлари, давлат органларининг компетенцияси бажарилиши таъминланади” деб таъриф берилган.

Шу ўринда айтишимиз керакки, давлат хизмати мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб ҳисобланади ва уни ўрганиш давлат хизматининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишни назарда тутди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу институт давлат-хизмат муносабатларини тартибга солишчи нормалар йиғиндисидан иборат бўлиб ҳисобланади ва бу орқали давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга белгиланадиган чекловлар, жавобгарлик ҳамда давлат хизматини ўташ, хизмат муносабатларининг юзага келиши ва бекор бўлиши тартибга солинади.

А.Соловёвнинг таъкидлашича, давлат хизмати юзасидан юзага келадиган низо маъмурий низонинг барча белгиларига эга:

Биринчидан, ушбу низо давлатнинг вазифалари ва функцияларини бажариш натижасида юзага келади;

Иккинчидан, ходимнинг пенсия ҳуқуқига таъсир қилса ҳам маъмурий низо ҳисобланади⁵.

Юқоридаги фикрга қўшилиш мумкин. Яъни давлат хизматига оид ҳар қандай низо маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Қуйида давлат хизматчисини пенсия тайинлаш боғлиқ низони кўриш мумкин:

“Масалан, фуқаро Г.Г. 1992 йил 30 августдан 1994 йил 5 июлга қадар Тошкент юридик коллежида ўқиган. 1994 йил 18 октябрдан 1999 йил 22 апрелга қадар ҳарбий судда турли лавозимларда ишлаган. 1999 йил 22 апрелдан шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилинган. Мудофаа вазирлигининг 2003 йил 6 январдаги 45-сонли буйруғи билан Г.Г.га адлия лейтенанти мақоми берилиб, у

⁵ Анна Соловьёва. Государственно-служебные споры на гражданской службе (теоретические и практические проблемы) // <file:///C:/Users/Professional/Downloads/gosudarstvenno-služhebnye-spor-y-na-grazhdanskoy-službe-teoreticheskie-i-prakticheskie-problemy.pdf>



офицерлар таркибига киритилган. Мудофаа вазирлигининг 2017 йил 6 майдаги 0262-сонли буйруғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг 2017 йил 31 майдаги 111-сонли буйруғи билан Г.Г. ҳарбий хизматдан захирага бўшатишган.

Мудофаа вазирлигининг Махсус комиссияси томонидан Г.Г. ўрта-махсус ўқув юртида ўқиган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаган даврлари унинг ҳарбий хизматни ўтаган муддатига қўшиб ҳисобланмаган. Шу сабабли, Г.Г. жавобгар Мудофаа вазирлиги махсус комиссияси аъзоларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиб, жавобгар зиммасига ҳарбий хизмат даврига унинг ўрта-махсус ўқув юртида ўқиган даврини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаган даврларини унинг иш стажига қўшиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Шаҳар маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган. Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 19-бандида ҳақиқий ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт асосида) ҳарбий хизматга келган ва календарь бўйича 10 йил хизмат қилган офицерлар хизматдан бўшатилаётганида, олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқиган даврининг бир ойи бир ойлик хизмат ҳисобида, шунингдек ҳарбий хизматга чиқарилаётган вақтдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги бир ойлик иш стажы бир ойлик хизмат ҳисобида уларни ҳақиқий хизмат ўтаган муддатига киритилиши белгиланган.

Аммо, Г.Г. юқоридаги Низомда кўрсатилганидек олий ўқув юрти эмас, балки коллежни, яъни ўрта-махсус ўқув юртини тамомлаган. Бундан ташқари, у ҳарбий хизматга шартнома асосида кирган вақтида офицер унвонига ҳам эга бўлмаган. Шу сабабли, судлов ҳайъати шаҳар маъмурий суди ва апелляция инстанцияси суди қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган”.

Айрим ҳолларда давлат хизмати билан боғлиқ низолар фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилмоқда. Буни қуйидаги суд амалиёти мисолада кўриш мумкин.

“Масалан, 2014 йил 15 октябрда фуқаро Л.Н. ўзига бириктирилган “Спарк” русумли давлат рақами 80 456 АВС бўлган хизмат автомашинасида йўл-транспорт ҳодисасини содир этган. Содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан ўтказилган хизмат текшируви натижалари бўйича чиқарилган хулосага кўра, Л.Н. “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Муваққат Низомнинг 69-моддасига асосан (номуносиб хаттиҳаракатлар содир этганлиги учун) ички ишлар идоралари хизматидан бўшатилиши белгиланган. Ушбу хулосага асосан вилоят ИИБнинг 2014 йил 11 ноябрдаги 18-ш/т-сонли фармойиши чиқарилиб, унга кўра йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига бевосита бўйсунувчи бўлинмалар алоҳида йўл 5 патруль хизмати отряди учинчи сафарбар гуруҳ йўл патруль хизмати инспектори Л.Н. ишдан бўшатишган. Л.Н.



ИИВнинг 2014 йил 15 октябрдаги хизмат текшируви хулосаси ҳамда вилоят ИИБнинг 2014 йил 11 ноябрдаги 18-ш/т-сонли фармойишидан норози бўлиб ички ишлар ва прокуратура органларига бир неча маротаба мурожаат қилган. Унинг мурожаатларига мазкур органлар томонидан рад жавоби берилган. Шу сабабли Л.Н. ИИБ ва вилоят ИИБга нисбатан маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, ИИВнинг 2014 йил 15 октябрдаги хизмат текшируви хулосаси ҳамда вилоят ИИБнинг 2014 йил 11 ноябрдаги 18-ш/т-сонли фармойиши ғайриқонуний чиқарилганлиги сабабли уларни бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирган.

Судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг ҳужжатлари бекор қилиниб, иш бўйича иш юритиш тугатилган. Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасида вужудга келган низо меҳнат муносабатларидан келиб чиққанлиги учун у маъмурий суд судловига тааллуқли эмас.

Ваҳоланки, Фуқаролик процессуал кодекси 26-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан фуқаролик ишлари бўйича судга фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно, тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 15-сонли қарорининг 3-банди, учинчи қисмига кўра, агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас.

МСИЮТК 108-моддасининг 1-бандига кўра, суд иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритишни тугатади. Аммо судларга давлат органлари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисидаги эмас, балки уларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар тааллуқлидир.

Шу боис судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг суд ҳужжатларини бекор қилиб, арз қилинган талаблар бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган”.

Юқоридаги давлат хизмати билан боғлиқ низолар турли муносабатларда юзага келган бўлса ҳам умумий давлат хизмати боғлиқдир. Таҳлил қилинганидек,



давлат хизматига оид ҳар қандай низо маъмурий судларга тааллуқли бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қарорининг 3-бандига қўйидагича қўшимча киритиш лозим:

3. Маъмурий судга маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, низолар бўйича ишлар, жумладан қуйидаги ишлар тааллуқли:

маъмурий органларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар;

давлат хизмати билан боғлиқ низолар.”

Хулоса қиладиган бўлсак, давлат хизматчисига пенсия тайинлаш билан боғлиқ низолар ҳал қилиш борасида суд амалиётида турли қарашларни олдини олиш муҳим аҳамиятга эгадир.